# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 24 сентябрь, № 186 (6369) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# БЕТАКРОРИМСАН, ЯГОНАСАН, ОНА ВАТАНИМ — ЎЗБЕКИСТОНИМ!

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари номидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига мустаҳкам соғлиқ, муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-хотиржамлик, равнақ ва фаровонлик тилаб, эзгу истаклар билдирилган.

Жумладан:

Бирлашган Араб Амирликлари Президенти
**Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён**

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай Амирлиги ҳокими
**Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**

Абу Даби валиаҳди, Бирлашган Араб Амирликлари Қуролли Кучлари Бош қўмондони ўринбосари
**Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**

Ўмон Султони **Қобус бин Саид**

Иордания Подшоҳи **Абдуллоҳ Иккинчи бин ал-Ҳусайн**

Кувайт Давлати Амири
**Шайх Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ**

Миср Араб Республикаси Президенти
**Абдулфаттоҳ Саид Ҳусайн ас-Сиси**

Туркия Республикаси Президенти **Режеп Таййиб Эрдўған**

Эрон Ислом Республикаси Президенти **Ҳасан Руҳоний**

Қатар Давлати Амири **Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Соний**

Қатар Давлати Бош вазири, ички ишлар вазири
**Шайх Абдуллоҳ бин Носир бин Халифа Ол Соний**

Қатар Давлати Валиаҳди **Абдуллоҳ бин Ҳамад Ол Соний**

Фаластин Давлати Президенти, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси **Маҳмуд Аббос**

Туркманистон Президенти **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Тожикистон Республикаси Президенти **Имомали Раҳмон**

Қирғизистон Республикаси Президенти **Алмазбек Атамбоев**

Ислом ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби
**Ияд бин Амин Маданий**

МДҲ динлараро Кенгаши ҳамраиси, Кавказ мусулмонлари бошқармаси раиси
**Шайх-ул-ислом Оллоҳшукур Пошшозода**

Саудиялик ватандошлар **Сафохон Жалолхон Тўра Марғилоний** ва бошқалар ўз табрикларини йўллаганлар.

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

Бугунгидек осойишта ва фаровон кунларда Сизни ва Сиз орқали Ўзбекистон халқини қутлуғ айём — Қурбон ҳайити муносабати билан муборак заминда ҳаж ибодатини адо этаётган юртдошларимиз номидан самимий муборакбод этамиз.

Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсинки, она-Ватанимиз мустақиллиги биз учун аввало ўзлигимизни англаш, инсоний қадримизни, урф-одат ва қадриятларимизни, муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз, азиз авлиё ва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, ғурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятларни очиб берди.

Халқимиз бундай улкан натижаларни, салмоғи ва аҳамияти ҳеч нарса билан ўлчаб, қиёслаб бўлмайдиган ютуқларни ҳар жиҳатдан пухта ўйланган, узоқни кўзлаб амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самараси деб билади ва юксак қадрлайди.

Дунёнинг турли минтақаларида рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни кўриб, кузатиб шуни тўлиқ ишонч билан айтамизки, биз учун, мўмин-мусулмонлар учун тинчлик ва омонлик энг олий неъмат, мусаффо динимиз тарғиб қилган улуғ қадриятдир. Ўзбек халқининг бизга тинчлик керак, омонлик керак, деган мана шу мухтасар даъвати бугун миллати ва эътиқодидан қатъи назар, фаровонликка интилган бутун дунё аҳлининг хоҳиш-истагини ўзида яққол ифодаламоқда.

Биз, ўзбекистонлик ҳожилар Маккаи мукаррама, Мадинаи мунаввара сингари муқаддас манзилларда бўлиб, юртимиз тинч, халқимиз фаровон, мустақиллигимиз абадий бўлишини Яратгандан илтижо қилиб сўрамоқдамиз.

Президент Жаноби Олийлари, Аллоҳ таолодан Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат тилаб, халқимиз ва азиз диёримизни ҳамиша Ўз паноҳида асрашини сўраб дуолар қилиб қоламиз.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

**Ўзбекистон ҳожилари номидан**
**муфтий Усмонхон АЛИМОВ**

Макка шаҳри, Арафот водийси
2015 йил 23 сентябрь.



*Тез суръатлар билан ривожланаётган давлатлар орасида етакчилар сафидан ўрин олиб, ўз тараққиёт йўлидан собитқадам бораётган Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида яққол намоён бўлди. Амалга оширилган ислоҳотларда инсон омили устувор этиб белгиланди. Бунинг ёрқин самарасини ҳар биримиз ўз турмуш тарзимиз, онгу дунёқарашимиздаги ўзгаришлар мисолида кўриб турибмиз.*



# Файзу барака, фаровон ҳаёт асоси

### — тинчликни асраш эзгу орзу-умидларимизни, келажакни асраш демакдир



Бинобарин, ҳар жиҳатдан пухта ўйланган ривожланиш стратегиясини изчил рўёбга чиқараётган Ўзбекистон “Бутунжаҳон бахт индекси”да 158 мамлакат ўртасида 44-поғонани эгаллаганида ҳам фаровон ҳаётимиз эътирофини кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда жаҳоннинг турли бурчакларида қарама-қаршилик, зиддиятлар, низо ҳамда адоватлар кучайиб, тинч-осойишта ҳаётни издан чиқараяпти. Давом этаётган глобал молиявий-иқтисодий инқироз эса оғир муаммоларни вужудга келтирмоқда. Бошқача айтганда, хотиржам турмуш кечириш, таассуфки, Ер юзидаги кўплаб инсонларнинг орзусига айланиб бораётир.

— Ҳар куни эрталаб ўғил-қизларимизнинг ишга, невараларимизнинг ўқишга ошиқиши, дастурхонимиздаги файзу барака, кўнглимиздаги хотиржамлик — буларнинг барчаси нақадар бебаҳо неъмат эканини янада теранроқ англаб етаяпмиз, — дейди Ўрта Чирчиқ туманидаги “Қумовул” қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Тешабой Мирзажонов. — Биз бунёдкорлик, ҳузур-ҳаловат завқи билан яшаяпмиз. Обод турмуш, фароғатли кунларга нима етсин?! Бахт дегани ҳам аслида шу.

(Давоми 2-бетда).

# ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

### Муқобил энергия манбалари юртимиз тараққиёти, аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилаяпти.

*Сўнгги пайтларда табиат эҳсони, тараққиёт ва инсон заковатининг ютуғи ҳисобланмиш қайта тикланувчи энергия манбалари кундалик турмушимизга тобора кенгроқ кириб келмоқда. Шундай экан, бу борада дунёда ва юртимизда қандай ишлар амалга оширилаётганини теранроқ англаш фойдадан холи бўлмаса керак.*

Халқ сўзи
Народное слово
ТАНЛОВИГА

**ТАҲЛИЛ**

Муқобил ва қайта тикланувчи энергия манбаларининг афзалликлари хусусида сўз юритишдан аввал жаҳон энергетикасидаги ҳозирги аҳвол, унинг экологияга кўрсатаётган таъсири ва мавжуд қувватларнинг самарадорлик даражасига эътибор қаратсак.

Маълумки, бугунги кунда дунёда анъанавий ёқилғига бўлган талаб тобора ортиб бораётир. Мутахассисларнинг фикрича, бу талаб 2030 йилга бориб, аср бошидагига нисбатан 50 фоиздан кўпроқ ўсиб, умумий эҳтиёж 27 миллиард тонна шартли ёқилғигача етади. Ўз навбатида, бундай ўсишнинг экологияга салбий таъсири ҳам кучайиб бораверади.

Халқаро энергия агентлигининг маълумотларига қараганда, қайта тикланувчи энергияга йўналтирилаётган инвестициялар йил сайин ошиб, сўнгги 5 йил мобайнида қуёш энергетикаси соҳасига жалб қилинган ялпи сармоялар ҳажми 520 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 2050 йилга бориб эса унинг айрим турларидаги улуши 70 фоиздан ошиши мумкин. Бу ишлаб чиқариш корхоналарининг атроф-муҳитга чиқараётган зарарли чиқитларини 500 миллиард тоннага камайтириш имконини беради.

Яна бир эътиборли жиҳати, уни ишлаб чиқариш таннархи ҳам камайиб бормоқда. Агар 2008 йилда бир киловатт/соат қуёш энергиясини ҳосил қилишга 35 цент сарфланган бўлса, ўтган йили бу рақам 8,5 центга тушди. Бошқача айтганда, баъзи мамлакатлардаги қуёш станцияларида ишлаб чиқарилаётган электр энергияси углеводород хом ашёсини ёқиш ҳисобидан олинадиган электр қуввати билан бемалол рақобатлаша олади.

Президентимиз бундан икки йил аввал Тошкентда ўтказилган “Қуёш энергияси технологиялари тенденциялари ва истиқболлари” мавзуидаги Осиё қуёш энергияси форумининг 6-йиғилишидаги нутқида бу борада фикр юритар экан, “...қуёш энергетикаси инқироздан чиқишда локомотив вазифасини бажарадиган омиллардан бири бўлиши мумкин ва зарур”, дея алоҳида эътироф этган эди.

(Давоми 2-бетда).

**ТАРАДДУД**

*Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, энг аввало, инсон манфаати, унинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Мазкур жараёнда аҳолини табиий газ билан узлуксиз таъминлашга алоҳида эътибор берилган ҳолда, қишлоғу шаҳарларимизни газлаштириш ишлари жадал давом эттирилмоқда.*

# Узлуксиз таъминот асосий мақсад

Бунда “Ўзтрансгаз” акциядорлик компаниясининг хизмати, айниқса, катта бўлаяпти. Сабаби, истеъмолчиларга табиий газ етказиб бериш, транзит ва экспорт қилиш ушбу компания зиммасидаги энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, янги магистраль газ қувурлари объектлари ва газ тақсимлаш тармоқларини қуриш, мавжудларини модернизациялаш, қайта таъмирлаш лойиҳалари кўлами тобора кенгайтирилаётир.

Қиш фасли яқинлашаётган шу кунларда эса бу каби ишлар янада жадал тус олган. Мақсад битта: у ҳам бўлса, куз-қиш мавсумида тизим объектларининг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлашдир. Бунинг учун жорий йилнинг ўтган даврида газ қувурларининг 70,6 километри мукаммал таъмирланган бўлса, 105,5 километри реконструкция қилинди. 7 минг 724,2 километр масофадаги газ тармоқлари ҳаво босими остида тозаланиб, 5 минг 806,2 километрлик ер ости қувурлари ҳолати текширувдан ўтказилди. Шунингдек, 72 минг 364 та газ тақсимлаш пункти тафтиш қилинди.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзтрансгаз” акциядорлик компанияси томонидан ташкил этилган анжуманда ана шулар ҳақида сўз юритилди.

(Давоми 2-бетда).

*Корея Республикаси Экспорт-импорт банки президенти Ли Дук Хуннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 23 сентябрь куни Ўзбекистон банклари ассоциациясида Эксимбанкнинг Жанубий Корея иқтисодий ривожидаги роли ва Ўзбекистон билан ҳамкорлигига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг банк-молия соҳаси вакиллари, тегишли вазирлик ва идоралари раҳбарлари иштирок этди.*

# БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, молия вазири Рустам Азимов Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик бошқа соҳалар қатори савдо-иқтисодий, молиявий ва инвестициявий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 27-29 май кунлари Корея Республикасига давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Ташриф доирасида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва бошқа соҳаларга оид умумий қиймати қарийб 7,7 миллиард АҚШ долларига тенг 60 ҳужжат имзоланди.

Корея Республикаси — Ўзбекистоннинг энг йирик савдо-иқтисодий шерикларидан бири. Бу соҳада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

(Давоми 2-бетда).

# БИТИМ ИМЗОЛАНДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган йили Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард доллардан ошган. Ўзбекистонда Жанубий кореялик сармоядорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган 412 корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 68 таси тўла ушбу мамлакат капитали асосида тузилган. Юртимизда Жанубий Кореянинг 79 компанияси ваколатхоналари очилган.

Семинарда Эксимбанк президенти Жанубий Кореянинг иқтисодий тараққиёти, жаҳон ишлаб чиқаришидаги ўрни, халқаро молиявий-инвестициявий жараёнлардаги иштироки, тўплаган бой тажрибаси ҳақида сўзлади.

— Ўзбекистон табиий ресурсларга бой, улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга мамлакат, — деди Ли Дук Хун. — Икки томонлама муносабатларимиз савдо, иқтисодиёт, сармоя, нефть-газ, кимё, машинасозлик каби кўплаб соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз бизнесменлари ҳамкорлигида қатор истиқболли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида Жанубий кореялик ишбилармонлар муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўзбекистон ҳам Жанубий Корея каби тез ривожланмоқда, ислоҳотлар самарали амалга оширилмоқда. Бу ўзаро ҳамкорлигимизга катта ишонч бағишлайди.

Шу куни Ўзбекистоннинг "Асака" акциядорлик тижорат банки билан Жанубий Кореянинг Эксимбанки ўртасида 160 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит тақдим этиш бўйича битим имзоланди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Узлуксиз таъминот асосий мақсад

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, Президентимизнинг 2015 йил 7 июлдаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2015 — 2016 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, компания томонидан махсус тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унинг изчил ижроси туфайли мавсумга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бунда суюлтирилган газ етказиб берилаётган 942 минг 344 та хонадон таъминоти ҳам диққат-эътиборда турибди. Бугунги кунда ойлик қуввати 30 минг 894 тоннани ташкил этувчи 45 та газ тўлдириш станцияси ва пункти, газ баллонларини тарқатувчи 209 та сервис маркази, суюлтирилган газ ташувчи 222 та вагон-цистерна, 58 та автоцистерна бу юмушга жалб этилган.

Тизим моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий техникаларни жалб қилиш борасида ҳам муайян тадбирлар олиб борилмоқда. 2014 йилда "МАН" русумидаги 31 автоцистерна, "Исузу" русумли 55 та махсус автомашина харид қилинган бўлса, жорий йилда жами 106 та ана шундай теника воситалари сотиб олиниши мўлжалланган.

Анжуманда автомобилларга янги газ қуйиш компрессор станциялари бунёд этиш, мавжудлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг, айниқса, куз-қиш мавсумида бенуқсон ишлашига эришиш бўйича кўрилаётган тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

*Андижон шаҳридаги "Анд-белита" хусусий корхонаси жамоаси бўш турган бинода қўшимча тармоқни ишга туширди. Бунинг учун 450 миллион сўмликдан ортиқ маблағ йўналтирилди.*

### Хусусий корхона экспортни мўлжаллаяпти

Пировардида бу ерда трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилиб, 20 нафарга яқин хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

— Шу пайтга қадар ўзимизнинг ишлаб чиқариш иншоотимиз бўлмаганлиги боис фаолиятимизни кенгайтира олмаётгандик, — дейди корхона раҳбари Ботиржон Комилов. — Ушбу масалада маҳаллий ҳокимлик бизга яқиндан кўмак берди. Тўлиқ қувватга эришсак, яна 17 та иш ўрни яратилади. Қолаверса, келгусида маҳсулотларимизни экспортга чиқаришни ҳам мўлжаллаяпмиз.

**Саидаҳмад ШУКУРОВ.**

### Кредит бериш механизми соддалашди

*Қашқадарёда коллеж битирувчиларини тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳамда уларга микрокредитлар ажратишнинг соддалаштирилган механизми жорий этилди.*

Вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг битирувчилар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ишлаб чиқилган мазкур тизимга кўра, тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган битирувчиларга коллежнинг ўзида жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи юритилади. Бундан ташқари, тижорат банклари томонидан улар номига банкда ҳисоб рақамлари очилади. Шунингдек, кредит маблағларини олиш бўйича ҳужжатлар тайёрланиб, расмийлаштириб берилмоқда.

— Вилоятимизда жорий йилда 46543 нафар йигит-қиз касб-ҳунар коллежларини тамомлади, — дейди вилоят прокуратураси масъул ходими Рустам Ҳайитов. — Айни пайтда уларнинг бандлигини таъминлашга устувор аҳамият қаратилмоқда. Хусусан, 8 та касб-ҳунар коллежида ўтказилган тадбирда жами 770 нафар битирувчига 4 миллиард 639 миллион сўм миқдорида микрокредит ажратиш юзасидан ҳужжатлар расмийлаштирилди.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Болалар учун бежирим либослар

*Вобкент туманидаги "Феруза зилли" масъулияти чекланган жамияти ёрлиғи туширилган кийим-кечаклар тури яна биттага кўпайди. Кичик корхонада болаларга мўлжалланган мавсумий халатлар тайёрлашга киришилди.*

— Бизнес лойиҳамизни банк муассасаси жами 60 миллион сўмлик кредит ажратиш билан қўллаб-қувватлагач, ишларимиз юришиб кетди, — дейди корхона раҳбари Шоира Аҳмедова. — Фаолиятимизни бундан бир йил муқаддам тўртта тикув машинаси билан бошлаган эдик. Қисқа муддат ичида тикув дастгоҳларимиз 20 тага, ишчилар сони эса 25 нафарга етди. Биз бозордаги талаб ва эҳтиёжни ўрганиб чиқдик. Яқин истиқболда фаолиятимизни кенгайтириб, яна 25 та иш ўрни яратиш ниятидамиз.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

КОНФЕРЕНЦИЯ

*Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони юртимизда ишбилармонлик муҳитининг янада яхшиланишида муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.*

# Имтиёз ва қулай шароит

## кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик тараққиётига хизмат қилаяпти

Навоий шаҳрида "2015 — 2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзуида ташкил этилган конференция-семинарда мазкур Фармон асосида миллий қонунчилигимизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар хусусида иштирокчиларга батафсил маълумот берилди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, назорат қилувчи ва суд органлари вакиллари, тадбиркор ҳамда фермерлар қатнашган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Навоий вилояти прокуратураси мутасаддилари ва бошқалар сўзга чиқиб, дунё миқёсида ҳали-ҳануз давом этаётган глобал молиявий инқирозга қарамай, миллий иқтисодиётимизда жадал ривожланиш тенденциялари кузатилаётгани, бунда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик етакчи кучга айланаётгани халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторидан жой олишида ҳал қилувчи аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидладилар.

Бугунги кунда Навоий вилоятида 7 мингдан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда. Биргина жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида ушбу соҳа вакилларининг истиқболли лойиҳаларни амалиётга жорий этиш мақсадида тижорат банклари томонидан 260 миллиард 400 миллион сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Бу эса, ўз навбатида, вилоят ялпи ҳудудий маҳсулоти ўсишида муҳим омил бўлди.

Энг асосийси, 2015 йилнинг 8 ойи давомида кичик бизнес субъектлари томонидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳисобига 24 мингдан зиёд киши доимий даромад манбаига эга бўлди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун турли имтиёз ҳамда преференцияларни жорий этиш, улар фаолиятида дуч келаётган ғов ва тўсиқларга барҳам бериш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

— Биз фаолиятимиз давомида давлатимизнинг амалий кўмагини доимо ҳис қилиб турибмиз, — дейди Навоий шаҳридаги "Шамс-Навоий" корхонаси раҳбари Шавқиддин Шамсиев. — Бугун бизнесини йўлга қўйиб, ҳам ўзи даромад кўраётган, ҳам халқимизга наф келтираётган ишбилармонларга барча шарт-шароит яратилган.

Ўзаро мулоқот тарзида ўтган тадбир якунида тадбиркор ва фермерларнинг саволларига мутахассислар томонидан батафсил жавоб берилди.

Конференция-семинарда Навоий вилояти ҳокими Э. Турдимов сўзга чиқди.

**Азамат ЗАРИПОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Файзу барака, фаровон ҳаёт асоси

## — тинчликни асраш эзгу орзу-умидларимизни, келажакни асраш демакдир



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Сўзимнинг исботини узоқлардан излашнинг ҳожати йўқ. Қишлоғимизнинг бугуни — бунинг оддий тасдиғи, десам, мутлақ ҳақиқат. Чароғон кўчаларимиз, замонавий савдо дўконлари, мактаблар, намунали лойиҳалар асосида қад ростлаган уй-жойлар, ёшу қарининг юз-кўзидан ёғилиб турган қувонч... Бу юртимиздаги тинчлик, осойишталик, мустақиллик инъом этган саодат ифодаси. Шу боис тилимиздан, дилимиздан шукрона аримайди.

Айтиш жоизки, қўлга киритилаётган ютуқлар, халқимизнинг ҳаётидан рози бўлиб, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида ғайрат-шижоат кўрсатаётгани замирида, аввалambор, тинчлик руҳияти мужассам.

— Президентимиз мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида тинчлик ва омонлик ўзбек халқининг истаги, мақсади ва қарори эканини алоҳида таъкидладилар, — дейди таэквондо WTF бўйича мамлакат терма жамоаси аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи Жасур Бойқўзиев. — Жаҳон миқёсидаги мусобақаларда хорижлик спортчилар билан суҳбатлашганимизда, Ўзбекистонда барча соҳа, хусусан, спорт ҳам жадал ривожланиб бораётганига ҳавас қилишларини қайта-қайта такрорлайдилар. Ана шунда қалбимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуси янада юксалади.

Кўринадики, мусаффо осмонимиз, мевалари ғарқ пишган боғу роғларимиз, ризқ-рўз унаётган далаларимиз, умуман, она-Ватанимиз — бизнинг боримиз. Демак, огоҳ бўлиб, боримизни, жону жаҳонимизни, бири-биридан ширин дамларимизни кўз қорачиғимиздек асрашимиз керак.

Дарҳақиқат, осойишталик ва фаровонлик ҳукм сурган манзилу маконда тўйлар тўйларга, байрамлар байрамларга уланади. Меҳр-мурувват, ёшларга эътибор, кексаларга эҳтиром ўз қудрати ила қадр-қимматини кўкларга кўтаради, улуғлайди. Инсон қадри улуғ юртдан эса асло файзу барака аримайди.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

# Жаҳон тиллари ва маданияти фестивали

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида хорижий тиллар фестивали бўлиб ўтди. Унда Олий ва ўрта махсус, Халқ таълими вазирликлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус ҳамда халқаро ташкилотлар вакиллари, профессор-ўқитувчилар, талабалар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.*

ТАДБИР

Анжуманда сўзга чиққанлар юртимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш, хусусан, уларнинг пухта билим олиб, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшадиган кадрлар бўлиб етишишларига кўмаклашиш мақсадида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлашди. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, хорижий тилларни ўқитишнинг комплекс тизимига асос солинди. Янги давлат таълим стандартлари, ўқув қўлланмалар, дарслик мажмуалари яратилди.

Мазкур университетда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган тиллар фестивалининг ҳам таълим сифатини юксалтиришдаги аҳамияти катта. Унинг доирасида республикамиз ҳудудидаги умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган инглиз, немис ва француз тили ўқитувчилари, услубчилари учун тренинглар ташкил этилди.

Тадбирда талабалар томонидан миллий анъана ва қадриятларимиз билан бирга, турли халқларнинг маданияти, урф-одатлари ифодаланган бадиий чиқишлар, саҳна кўринишлари тақдим қилинди. Миллий таомлар, либослар кўргазмаси ўтказилди.

**Дилмурод СОДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

## Муқобил энергия манбалари юртимиз тараққиёти, аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилаяпти.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, бугунги амалий ҳаракатлар эртанги ҳаётимиз учун пойдевор вазифасини ўтайди. Яъни, тараққиёт билан ҳамқадам бўлиш бизнинг авлодлар олдидаги бурчимиздир. Бу фикрни дунёнинг 300 дан ортиқ халқаро ташкилотлари вакиллари, олимлар, соҳа мутахассисларини жамлаган нуфузли форум иштирокчилари алоҳида қайд этишди.

Қувонарлиси шундаки, Ўзбекистон ёқилғи-энергетика ресурслари бўйича ўз эҳтиёжини тўла таъминлайдиган мамлакатлар сирасига киради. Ҳозирги пайтда бу таъминотнинг асосий қисмини, яъни қарийб 80 фоизини табиий газ, 7,6 фоизини нефть, 5 фоиздан ортиқроғини кўмир ташкил этади. Республикамизда кейинги даврда йилига ўртача 55-57 миллиард киловатт/соат миқдорида электр энергияси ҳосил қилинаяпти. Ҳисоб-китобларга қараганда, саноатнинг юқори даражада жадал ривожланиши туфайли мамлакатимизнинг электр энергиясига бўлган талаби 2030 йилда ҳозиргига нисбатан 2 баробар ошади.

Ватанимиз — қуёшли, офтоб сийлаган диёр. Актинометрик станциялар томонидан олиб борилган кўп йиллик кузатувлар юртимизда йилнинг 320 куни қуёшли бўлишини, турли ҳудудларда йилига 2400 дан 3090 соатгача ёғду таратиб туришини кўрсатган. Бу эса экспертларнинг фикрича, бир йилда истеъмол қилинадиган электр энергиясидан 40 баробар кўп ҳажмдаги қувват олишга имкон яратади.

Эътироф этиш жоиз, кейинги йилларда мамлакатимизда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш борасида муайян чора-тадбирлар кўрилаяпти. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 1 мартдаги "Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан кейин эса ноанъанавий энергетика ресурслари, шу жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланишга кенг имконият яратиш, қуёш панеллари учун ускуналар, бутловчи қисмларни саноатлаштирилган ҳолда ишлаб чиқаришга эътибор янада кучайди.

Қуёш нурини электр қувватига айлантирувчи қурилмаларнинг самараси хусусида гап кетганда, ўтган йили Поп туманида фойдаланишга топширилган боқилаётган 500 бош зотдор молни соғишдан тортиб, фермани ёритиш ва иситиш билан боғлиқ барча ускуна мазкур лаборатория қошидаги кичик корхонада тайёрланган қуёш электр станциясидан қувват олиб ишлаяпти.

Қишлоқларда бунёд этилаётган янги намунавий лойиҳа асосидаги уй-жойларга ҳам қуёш батареялари ўрнатилаяпти. ... тиш тизимида ҳам кўриш мумкин.

Шу билан бирга, юртимиз фотоэлектрик модуллар ва қуёш энергетикасида қўлланиладиган бошқа ускуналарни ишлаб чиқариш учун хом ашё захираларига ҳам бой. 2012 йилда Жанубий кореялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда йиллик қуввати 12 минг тонна бўлган техник кремний ишлаб чиқарувчи завод фойдаланишга топширилгани, "Ангрен" махсус индустриал зонасида айни шу йўналишдаги иккинчи корхона барпо этишга киришилгани, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида фотоэлектр панеллар, "Жиззах" махсус индустриал зонасида эса қуёш иссиқлик коллекторлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолияти йўлга қўйилганининг боиси шунда.

Энг муҳими, бу йўлда бир қатор илмий тажриба масканлари самарали фаолият кўрсатмоқда. Бинобарин, Осиё минтақасида ягона бўлган "Физика-Қуёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг илмий экспериментал маркази ташкил этилгани мазкур соҳа ривожида катта туртки бўлди. Шу ўринда айтиш жоизки, илмий мажмуа таркибидаги 1 мегаватт қувватга эга бўлган улкан қуёш печи 3 минг даражали иссиқ ҳарорат ҳосил қилиш ва ўта соф материаллар ишлаб чиқаришни таъминлаш, ноёб илмий тадқиқотлар ва иссиқликка оид синовлар ўтказиш имкониятига эга. Марказ олимларининг бу борадаги илмий-амалий натижалари 2013 йили Ўзбекистон Республикасининг Давлат мукофотига лойиқ кўрилган бўлса, айни пайтда улар янги лойиҳалар устида иш олиб боришяпти. Жумладан, улар яратган автоном мобиль кўп функцияли фотоэлектрик тизимдан Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер хўжалигида унумли фойдаланилмоқда. Яъни фотоэлектр станциясига ҳам алоҳида тўхталиш жоиз.

— Ушбу станцияга ускуналар Корея Республикаси ҳукуматининг 477 минг АҚШ долларилик грант маблағлари ҳисобига ўрнатилди, — дейди Шарқий магистраль электр тармоқлари бўлими бошлиғи Музаффар Мадраҳимов. — Қурилиш ишларига доир харажатлар эса "Ўзбекэнерго" акциядорлик компанияси томонидан молиялаштирилди. Станциямизга 4 турдаги 492 та қуёш панели ўрнатилган бўлиб, улар бир йил давомида синовдан ўтказилади. Шундан сўнг энг самаралиси танлаб олинади. У қурилиши режалаштирилаётган йирик қуёш электр станцияси учун асос вазифасини ўтайди.

Кейинги пайтда вилоятда қуёш энергиясидан фойдаланиш кўлами тобора кенгайиб бораётгани диққатга сазовор. Хусусан, бугунги кунда Наманган шаҳридаги қатор светофорлар ҳам офтоб нуридан қувват олиб ишлайди. Улардаги кичик панеллар етарли миқдордаги қувватни йиғиб бераяпти. Бундай жиҳатларни панно ва баннерларни ёритиш тизимида ҳам кўриш мумкин.

Юртимизда маиший ва коммунал соҳа, хусусий уйларда қуёш энергиясидан фойдаланишни кенг жорий этишга, бу борада зарур ишлаб чиқариш ва сервис имкониятларини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бундай технологияларни кенг миқёсда қўллаш яқин йилларда юртимиз энергия тизимига тушаётган қувват юкини 2 миллиард киловатт-соатга қисқартириш, локал тарзда қарийб 2 миллион гигакалория иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришни таъминлаш имконини беради. Бу йилига жами 250 миллион доллардан ортиқ қийматдаги энергия ресурси тежалади, деганидир. Яқин келажакда эса 1300 та умумтаълим мактаби ва касб-ҳунар коллежини тажриба тариқасида қуёш коллекторлари билан таъминлаш, қишлоқ жойлардаги 600 дан ортиқ врачлик пунктларида фотоэлектрик панеллар ўрнатиш режалаштирилмоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, Европа давлатларида ишлаб чиқарилаётган қуёш батареялари ҳарорат 30 даражадан ошса, ишлаш суръати пасайиб бораверар экан. Шу боис Марказий Осиё ва Африка мамлакатларида олимларимиз ишланмаларига қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

Техника ривожи туфайли унинг кучидан энергия манбаси сифатида фойдаланишга бўлган эътибор бутун дунё миқёсида ортмоқда. Масалан, Германияда бутун эҳтиёж учун зарур бўлган ёқилғининг 74,5 фоизи импорт қилинади. Шу боис энергия тежамкорлиги, унинг самарадорлигини оширишга устувор вазифа сифатида қаралади ва муқобил энергия манбалари, хусусан, шамол энергиясидан кенг фойдаланилади. Қуввати 1 МВтга тенг бўлган битта шамол генератори 20 йиллик иш жараёни мобайнида тахминан 29 минг тонна кўмир ёки 92 минг баррель нефтни тежаш имконини беришини инобатга олсак, ташаббускорларнинг бу борадаги тажрибаси нечоғли аҳамиятли экани аён бўлади.

Мамлакатимизда ўртача шамол оқими 84,0 Вт/ кв.м.ни ташкил қилади. Бу йилига 2,22 миллион тонна қайта тикланувчи энергияни пайдо қилиш учун етарли манбадир. Лекин шамоллар мавсумий бўлиб, ҳар хил кучда эсади. Ана шу жиҳатларни инобатга олган мутахассисларимиз жойларга ўртача қуввати 60-250 кВтга тенг бўлган 70 000 дан ортиқ шамол генераторларини жойлаштириш мумкинлигини билдиришмоқда.

Юртимизда, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларининг гидро ҳамда биомасса усуллари ҳам тобора кенгаймоқда. Эътиборга молик жиҳати, ушбу йўналишдаги ишлар ривожига наинки илмий тадқиқот институтлари, балки изланувчан тадбиркорлар ҳам ўз ҳиссасини қўшаяпти. Масалан, Сирдарё вилоятидаги иссиқлик электр станцияси ўзининг ёрдамчи ва иссиқхона хўжаликларига эга. Унинг чорвачилик мажмуида 500 бошдан ортиқ наслли моллар парваришланади. Бу ерда катта ҳажмдаги биомасса қурилмаси ишга туширилгач, табиий газга эҳтиёж қолмади. Натижада хўжаликда ҳосилдорлик 40 фоизгача ошиши баробарида, маҳаллий ўғит сарфи 15-20 карра қисқарди.

Мухтасар айтганда, инновацион ғоялар, янги технологияларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли ҳозирги кунда табиий ресурслардан оқилона фойдаланилмоқда. Қуёшли осмонимиз, шамолли кенгликларимиз, тезоқар дарёларимиз суви-ю, биологик манбаларимиз экологик соф энергия ҳосил қилиш, пировардида юртимиз равнақи, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилаверсин.

**Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 12 августдаги 158 (6341)-сонида республика олий таълим муассасалари учун 2015 йилда ўқув адабиётларини чоп этиш бўйича махсус рухсатга эга бўлган нашриётларни тендерда қатнашишга таклиф этган эди, қуйида тендер якуний натижалари бўйича ғолибларни эълон қилади:**

- 1-лот ғолиби — «Сано-стандарт» масъулияти чекланган жамияти;
- 2-лот ғолиби — «Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси» УК;
- 3-лот ғолиби — «Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси» УК;
- 4-лот ғолиби — «Илм зиё нашриёт уйи» масъулияти чекланган жамияти;
- 5-лот ғолиби — «Илм зиё нашриёт уйи» масъулияти чекланган жамияти;
- 6-лот ғолиби — «Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси» УК;
- 7-лот ғолиби — «Фан ва технологиялар марказининг босмахонаси» УК.

1425R/693

## O'ZSANOATQURILISHBANK АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»

### томонидан стратегик инвесторларга таклиф

